ТЕРИМДА СУРЪАТГА-СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (3666). | Шанба, 16 сентябрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Область меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССРнинг **Қашқадарё области Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1967 йил 14 сентябрь.



ТАНИШИНГ: Онахон Усмонова! Янгиўлдаги «Ленинизм» колхозининг бу чевар теримчиси Улуғ Октябрининг 50 йиллиги шарафига эл хирмонига 12 минг килограмм «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган. Онахон шу кунларда 170—180 килограммдан пахта териб, колхозда пешқадамликни қўлдан бермаётир.

Н. Тўраев фотоси.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Советлар ҳокимиятининг шонли ярим асрлик тўйи бўсағасида турибмиз. Бу тўй Октябрь туфайли муназзам бўлган ўсиш, юксалиш йўлимизга чинакам кўрик, етуклик намойишидир. 50 йил! Бу муддат кўҳна тарих учун ҳеч гап эмас, ҳатто бир авлод умрича ҳам бўлмаган давр. Аммо шу эллик йилнинг ҳар бири асрлар, кунлари эса йиллар ишини қилганлигига эндиликда жаҳон қойил қолмоқда.

Узоққа бормай ўз эл-юртимиз мисолидан қиёс қилайлик. Ким эдингу ким бўлдик? Омоч билан ер ҳайдардик, бугун деҳқонларимизга қудратли тракторлар, экскаваторлар, пахта териш машиналари мададкор бўлмоқда. Чарх айлантириб ип йигирардик, ҳозир бирйўла тўрт иш бажарадиган ажойиб йигирув-тўқув дастгоҳларимиз бор. Кулбамизда ёқилган ниличоқ нури бир қадам нарини ёритолмасди, эндиликда улкан электр станцияларимиз ўлкани нурга тарқ қилиб, завод-фабрикаларни ҳаракатга келтириб турибди. Мана шу буюк парвозга Октябрь туфайли, Коммунистик партиянинг йилларда экономика ва маданият гуркираб ўсди. Довруғимиз элат-элатлар оша таралди. Саноатнинг жуда кўп янги турлари барпо этилди, ривожланди. «Ташсельмаш»нинг «ХТ-1,2» пахта териш машинаси «Таштекстильмаш»нинг «ПК-100» ип йигириш-пишитиш агрегати чет элларда ҳам машҳур. Ҳа, шундай. Саноатимиз одими жадал. Булар—барчаси фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга изчил жорий қилинаётганлигидан, техникамиз тез суръатларда тараққий этаётганлигидан далолат беради.

Айниқса сўнгги йилларда областимизда техника тараққиёти соҳасида катта ишлар қилинди. Тошкент шаҳри машинасозлари кейинги икки ярим йил ичида машилар, механизмлар ва приборларнинг 60 га яқин янги хилини яратиб, ишлаб чиқаришга жорий қилдилар. Ишлаб чиқарилаётган 40 хил буюмнинг эксплуатация муддати 1.5—2 баравр узайди.

Шу йилнинг ўзида областдаги машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида 35 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилди, 44 та автомат ва механизациялашган поток линия қурилиб, ишга туширилди. Қурилишда, транспортда ва алоқада ҳам техника тараққиёти йўлида янги қадамлар қўйилди.

Бу тадбирлар, шубҳасиз экономикамиз ривожига баракали ҳисса қўшди, хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятларимиз салмоғини кўпайтиришга хизмат қилди. Бироқ ҳозирги вақтда саноатимиз тараққиёти шундай даврга кирдики, бу ўсиш техника тараққиётини тағин ҳам жадал суръатларда ривожлантиришни тақозо қилмоқда, Партия XXIII съезди қарорида айтилганидек, ҳозир олдимизда турган вазифа: фан ва техника муваффақиятларидан ҳартомонлама фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада ўстиришни, қишлоқ хўжалигини мутасил тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг якинда ўз ишини тамомлаган VIII пленуми «КПСС XXIII съездн қарорлари асосида саноатни, қурилишда, транспортда ва алоқа органларида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида республика партия ташкилоти олдида турган вазифалар» тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Пленум республикада, жумладан пойтахт областимизда фан ва техника ютуқларини, илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасида эришилган ижобий натижаларни қайд қилди ҳамда йўл қўйилаётган нуқсонларни очиб ташлаб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини белгилаб, бу соҳада партия ташкилотларининг бундан кейинги вазифаларини кўрсатиб ўтди.

Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга партия ташкилоти изчил, актив, ташкилотчилик ва жанговарлик билан кириштан жойларда бу соҳада яхши натижаларга эришилмоқда. Бироқ айрим министрлик ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари техникани тараққий эттиришдек ғоят муҳим масалага иккинчи даражали иш деб қарамоқдалар. Янги техниканн жорий этиш планида белгиланган тадбирларнинг тўла-тўкис бажарилишини таъминламаётирлар. Янги техниканн жорий этишга доир топшириқларни бажариш ўрнига маҳсулот ишлаб чиқаришни асосан қўшимча миқдордаги ишчи кучи ҳисобига кўпайтиришни кўзламоқдалар. Бу, экономикамиз тараққиёти қонуниятига зид йўлдир. Партия XXIII съезди техника тараққиётининг асосий йўли—ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш йўли эканлигини кўрсатиб берди.

Ҳозирги вақтда ишчиларнинг асосий қисми ёрдамчи ишлар билан банд, бироқ ёрдамчи ишлар яхши механизациялаштирилмаган. Транспортда, бинокорлик материаллари саноатида, пахта тозалаш ва енгил саноат корхоналарида ҳамон қўл меҳнати даражаси юқори. Қурилиш ташкилотларида ишчи кадрлар, айниқса пардозчилар етишмайди. Ер қазиш, суваш сингари ишларнинг катта қисми қўлда бажарилмоқда. Сабаби, ҳали бизда қурилишни механизациялаш ва комплекс механизациялаш даражасининг план кўрсаткичлари даражасига етказилмаганлигидадир.

Илмий-техника тараққиёти ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқ масала. Пленумда Тошкентдаги рўзғор холодильниклари, «Газаппарат», «Компрессор» заводлари, айрим енгил саноат, мебель саноати ва маҳаллий саноат маҳсулотлари сифатсиз чиқарилаётганлиги ҳаққоний танқид қилинди. Бу корхоналарнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари техникани тараққий эттириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўришлари керак.

Техникани тараққий эттиришда конструкторлик ва технология ташкилотлари, новаторлар, рационализатор ва ихтирочиларнинг ҳам роли жуда катта. Янгилик ихтиро қилиш, янги машина, механизм ва приборларнинг яхши намунасини яратиш



Юбилей йили Оқ олтини

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	Бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими: Бир кунда	мавсум бошидан бери
Янгиўл	2,69	15,39	3,20	6,72
Оржоникидзе	1,63	9,75	—	—
Бўка	1,65	6,13	1,86	4,76
Бекобод	1,22	5,38	0,82	1,94
Юқори Чирчиқ	1,42	5,34	1,43	4,06
Оққўрғон	2,18	5,29	2,45	4,59
Ўрта Чирчиқ	1,46	4,55	1,27	2,00
Область бўйича	1,85	7,40	1,94	4,08

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети қанот ўрим-йиғими ва давлатга луб сотиш юзасидан хўжаликлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи биринчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозида (раиси Эм, партия ташкилотининг секретари **Тян**, бош агрономи **Ни**, бош инженери **Ким** ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхозда мавсум бошидан буён 257 гектар ердаги ёки умумий майдонинг 85,6 процентидаги ҳосил ўриб-йиғиб олинган ва давлатга луб сотиш плани 114,6 процент, шу жумладан сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида 36,1 процент адо этилган.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети қанот ўрим-йиғимида Юқори Чирчиқ районидаги **Свердлов номли** ва Оққўрғон районидаги **Димитров номли** колхозларининг лубкорлари яхши ишлаётганликларини қайд қилдилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ГЎЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА 15 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўрта Чирчиқ	—	101,7
Оққўрғон	—	101,1
Юқори Чирчиқ	—	100,9
Бўка	0,7	97,7
Янгиўл	6,9	91,1
Бекобод	6,2	85,2
Оржоникидзе	15,0	53,0
Область бўйича	2,5	95,2





«Оқ олтин» чаман-чаман бўлиб очилиб ётган бу пайкал Бекободдаги «Победа» колхозига қарашли. Хўжалик деҳқонлари юбилей йилининг олтин кузини ана шундай дурдоналар етиштириш билан кутиб олдилар. Пайкалларда битган баракали ҳосил бу йилги юксак социалистик мажбуриятларни тўла қоплай олади. Колхоз механизаторлари машина теримини областда энг биринчи бўлиб бошлаб юборган эдилар. Шу кунларда «зангори кема»ларининг бункеридан тўкилаётган тонна-тонналаб «оқ олтин» юбилей хирмонининг баракасига барака, терим суръатига суръат қўшмоқда. Чапдаги суратда ўртоқ М. Хасанов бошқараётган агрегатни кўриб турибсиз. У юбилей йилида 100 тонна пахта термоқчи. Ўнгдаги суратда: колхознинг пешқадам механизатор-звено бошлиғи М. Эрдонов. Унинг нияти ҳам 100 тонна пахта теришдир.

А. Абалян фотоси.

КАРВОНБОШИЛАР

Бундан тўрт-беш йил илгариги газета саҳифаларини варақласангиз колхоз ва совхозларнинг «йиллик пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь байрами — 7 ноябргача бажарамиз» деб олган мажбуриятларини ўқийсиз. Деярлик ҳамма хўжаликларда сентябрь ойида планнинг 30—40 процентини бажаришга ҳаракат қилинарди. Бу даражага эришиш у кезларда катта ғафар ҳисобланарди.

Йиллар ўтиши билан пахтакорларимиз беқиёс илгарилаб, пахта теримини қисқа муддатда бажаришга қодир бўлиб қолдилар. Бу ҳақиқатни биз кечагина Бўка районидаги хўжаликларни кезиб юрганда яна ҳам яққолроқ сездик. Ҳозир колхозчилар октябрь ёки ноябрь ойида эмас, балки сентябрь ойидаёқ йиллик пахта тайёрлаш планини бажаришга интилмоқдалар.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Илёс Арслонов бошлиқ звеносида 12 сентябрь куни йиллик пахта тайёрлаш плани 50 процент бажарилди, унинг касбдошлари Михаил Галкин, Қобил Арслонов бошлиқ звеноларда ҳам план 30 процентга етди. «Партия XX съезди», Тимирязев номли колхозларда шу куни йиллик план 10—17 процент бажарилди. Кунига бу хўжаликларда 3,5—4 процент миқдорида пахта териб топширилятти. Тимирязев номли колхоздаги Асрор Остонов бошлиқ наряддсиз звенода план 60 процентдан ошди. Ҳаделмай юз бўлади.

Тез суръатлар билан ишлаб сентябрь ойида планни бажарадиган бундай пешқадам звеноларни райондаги ҳамма хўжаликларда топиш мумкин.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозини олиб кўринг. Бу ерда 1000 гектар пахта майдони бор. Шундан 980 гектари машина теримига ажратилган. Қўл теримига фақат 20 гектар ер қолган. Далаларда пахта чаман бўлиб очилган. «Зангори кема»лар билан пахта тераётган механизаторнинг иш унуми чакки эмас. Қобил Арслонов, Василий Гришкин, Тўра Нуъмонов сингари механик ҳайдовчилар кунига 3—4 тоннадан пахта термоқдалар. Василий Назиренко эса бир кунда олти тонна пахта териб энг юқори кўрсаткичга эришди.

Теримнинг дастлабки кунларида колхоздаги 33 та «ХТ—1,2» маркали пахта териш машинасидан 20 таси ишга тушган эди. Эндн ҳамма машиналар далага чиқарилди.

Ўтган йили бу колхозда 2300 тонна, яъни етиштирилган ҳосилнинг 87 процентн машина билан терилган эди. Бу йил эса мўлжал 90 процент. 2450 тонна пахта машина бункерларидан тўкилади. Колхозчиларнинг ниятлари шундай.

Юбилей йилида колхоз аъзолари 2250 ўрнига 2700 тонна ҳосил етиштиришга, шу ҳосилнинг 110 процентини биринчи нав билан топширишга аҳд қилганлар. Улар сентябрь ойидаёқ планни 85—90 процентга етказишмоқчи.

Бу колхозда четдан ишчи кучи жалб қилмасликка қаратилган тадбир белгиланган. Ўтган йили районда қарийб етмиш процентга яқин ҳосил машинада терилган. Қолган ҳосилни териб олиш учун колхозчилар, совхоз ишчилари, район меҳнаткашлари, Олмалиқ ва бошқа шаҳар меҳнаткашлари жалб этилган. Четдан жуда кўп одам келган бўлса ҳам, уларнинг терган пахтаси 2,5 процентдан ошмаган. Шунинг учун райондаги хўжаликларда, шу жумладан «Октябрь 40 йиллиги» колхозида бу йил ялоси борича четдан ишчи кучи жалб этмаслик чоралари кўрилмоқда.

— Колхозимизда 26 та звено бор. Звено бошлиқларининг ҳаммаси механик-ҳайдовчи. Улар ўз звеноларида пахта теради. Чунки биринчидан, звено бошлиқлари ер шароитини яхши билишади. Иккинчидан, ўзи меҳнат қилиб етиштирган пахтани ерга тўкиб нобуд қилмаслнкка, тоза теришга ҳаракат қиладн. Ҳосил нобуд бўлса жони ачийди. Звено бошлиғи бўлмаган механик-ҳайдовчилар 7 киши, холос. Улар лозим бўлган жойга ёрдам учун юборилади, — деди колхоз раиси Юнус Тўлаганов.

Ҳозир Бўка районидаги бошқа хўжаликларда ҳам шу хилдаги ҳаракатларни, тадбирларни кўрасиз. Районда юбилей шарафига 66 минг ўрнига 70 минг тонна ҳосил етиштириш, 39100 ўрнига 50 минг тонна ҳосилни машина билан териш мўлжалланган. Райондаги хўжаликларда 1000 та пахта териш машинаси бор. Улар астасекин ишга тушмоқда. Кундан-кунга хирмонларга қут-барака кириб бораяпти. Йиллик планларини 50—60 процент бажариб қўйган Асрор Остонов, Илёс Арслонов сингари механизаторлар Бўкада карвонбоши бўлиб бормоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҚАЛБИМ ҚАНОТЛАНГАН

Қалбим қанотланган далалар сари,
Лочин парвозидай учаман бу дам.
Пахтазордан келар шодлик хабари
Бу меҳнат чоғлари қанчалар кўркам.
Қалбим қанотланган ХВСлардай,
Елкан бўлиб сузсам, терсам «оқ олтин».
Далага бораман тонглари атай
Хирмонларда бу куч барака, бетин.
Меҳнаткаш элимнинг сахий кузида,
Юбилей ҳосилига ҳавас баландднр.
Шу улуғ Ватаннинг йигит-қизида
Меҳнат дамларининг дами пайванднр.
Инсон тобланади курашларда мард,
Бугун пахтамизнинг фронти қизғин.
Ҳосилга юқтирмай ғубору-тард,
Дилдан қадрлаймиз шу терим чоғин.
«Зангори кемалар» сузади юзлаб
Йигитдай куч билан рулида қизлар.
Янги марраларни олдиндан кўзлаб,
Довруғ достонидан кетади сўзлар.
Машинага кенг йўл, бу қуёш йўли
Қуёшдай қаримас қадрли инсон.
Ҳамиша баланднр пахтакор қўли
Техника қудрати — иш бўлар осон.
Қалбим қанотланган пойга кезида
Марралардан ошиб тошгим келади.
Ҳатто туташ далаларда дўстлар изида
Темир елканларнинг мавжи елади.
Баҳор тонгларидан қилинган меҳнат
Букун граммларда қимматдир бизга.
Ўлкамда яшайди ғайрату қувват
Офарин, тасанно пахтакор сизга.
Қалбим қанотланган далалар сари
Лочин парвозидай учаман бу дам.
Пахтазордан келар шодлик хабари
Бу меҳнат чоғлари қанчалар кўркам.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ТЕЗИСЛАР — ОММАГА!

ЧИРЧИҚ. «Узбекимммаш» заводи машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Тезисларини чуқур ўрганмоқдалар. Партия комитети бу ишга 50 дан ортиқ лектор, агитатор ва сиёсий ахборотчини жалб қилган. Улар корхонанинг цех ва бўлимларида, агитпункт ва маданият саройида Тезислар юзасидан мазмунли лекция ва суҳбатлар уюштириб туришибди.

ЯНГИ УҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. «Гулистон» колхози партия ташкилоти сиёсий маърифат мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Партия ташкилотида коммунистлар билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди, уларнинг билим савияларини, истаклари ўрганилди. Шундан сўнг сиёсий тўгаракларга тақсимландик.

Бу йил колхозда 31 кишн марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш ва бошланғич сиёсий мактабларда ўз билимини оширишга тавсия қилдирди. 5 кишн мустақил ўқийди, 33 кишн кечки умумий таълим мактабида билим олади. Қариялар ва ая рим сабабларга кура машғулотларга қатнаша олмайдиган коммунистларга сиёсий ташвиқотчилар кўмаклашадилар.

Марксизм-ленинизм асосларини мактабида бу йил сиёсий иқтисод дарси ўтилади. Партия комитети аъзоларни ва пропагандистлар шу фанга онд ўқув-ўргазма қуролларини, дарсликларни тайёрлаб қўйишга киришдилар.

КПСС САФИГА

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти партия бюроси КПСС сафини илғор ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳисобига тўлдиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Газета-ротацня цехи ишчиси Жамила Содиқова меҳнатда ва турмушда ўзини яхши томондан кўрсатди. У кунлик топшириқни 110—120 процентдан бажариш билан бирга босмахонанинг жамоат ҳаётида актив қатнашмоқда. Жамила партия бюросига КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишни сўраб ариза берган эди. Партбюро ва коммунистларнинг умумий йиғилиши уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилди.

Юбилей йилида ана шундай катта бахтга коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси, печатник В. Александров, офсетчи Б. Фалясов, бухгалтер Н. Долгова ҳам муяссар бўлишди. Аъзоликка кандидатлардан стереотипчи Г. Нажмов ва коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси, печатник Т. Гиёсов КПСС сафига қабул қилиндилар.

ШАРҚШУНОСЛАР

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети остонасига яхши ният билан қадам қўйган қанчадан-қанча йигит-қизлар бугунги кунда фан кандидати, фан доктори каби юксак илмий унвонларга эга. Улар орасида шарқшунос олимлар ҳам анчагина. Шарқшунос мутахассисларни тайёрлашда Шарқ факультетининг хизмати беқиёс.

— Ҳорижий шарқ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамда маданий алоқаларимизнинг мустаҳкамланиши ва янада кенгайиши натижасида араб, форс, ҳинд, урду тилларини мукаммал биладиган мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда, — дейди шарқ факультетининг деканн доцент Шоислом Шомуҳамедов. — Студентларнинг пухта билим олишлари учун бизда барча имкониятлар яратилган. Улар ўқув жараёни давомида бирваракайига уч тилни ўзлаштириб борадилар.

Шарқ факультети ҳузурида ўтган йили араб экономикаси бўлими очилди. Бу йил эса Ҳиндистон экономикаси бўлими ташкил топди. Янги бўлимларга ўрта мактабларда мазкур тилларни, ўқиган, шарқшуносликка чин дилдан меҳр қўйган йигит-қизлар қабул қилинди.

Имтихон натижаларн кўнгилдагидек бўлди. Хатто бўлажак шарқшуносларнинг жавобларн магнит плёнкасига ҳам ёзиб олинди.

Ҳинд тилидан бўлган имтиҳон пайтида рўй берган воқеани эслаб ўтмоқчимиз.

— Ғуломов Нурилла, қайси мактабни битиргансиз? — сўради ҳинд тилида экзаменатор

— Тошкентдаги 144-мактабни.

— Аччa, аччa! (Яхши, яхши!)

— Сизларга ҳинд тилидан ким дарс берган?

— Омон ака Хатамов.

Бийрон-бийрон тўхталмай жавоб бераётганидан хурсанд бўлган ўқитувчилар табассум билан бир-бирларига маънодор жилмайишиб «қойил-а!», деб қўйишардн.

Ўқишлар ҳам бошланди. Ҳар йили факультетга 45 студент қабул қилинарди. Бу йил эса 50 дан ортиқ йигит-қиз ўқишга кирди. Бўлажак шарқшунослар республиканинг таниқли олимлари араб кафедрасининг бошлиғи доцент Б. З. Ҳамидов доцентлардан Ш. Шомуҳамедов, И. А. Киссен, Н. А. Муҳамедов каби тажрибали олимлар қўлида таҳсил сладилар. Бундан ташқари Деҳлн, Қобул, Қоҳира ва бошқа шарқ мамлакатларн университетларининг профессорлари факультетга келиб лекцнялар ўқишади.

Афғонистондан Қобул университетининг профессори Абдул Аҳмад Жовид ва Ҳиндистондан Деҳли университетининг профессори Хўжа Аҳмад Форуқийлар университетга лекцнялар ўқигани келишган.

Шарқ халқларн тилларнни тагин ҳам пухта ўрганиш мақсадида факультет ўқитувчи ва студентларн ҳам ҳорижий шарқ мамлакатларининг университетларига бориб тажриба алмашнадилар, дарс берадилар. Яқинда А. Петров бошчилигида Исроилга борнб келган V курс студентларидан С. Ҳасанов, М. Ҳакимов, А. Абдурасулов, Л. Ортиқов ва Э. Ғуломовлар ишлаб чиқариш практикасини муваффақиятли ўтадилар.

Диплом ёқлаш ишлари ҳам яхши натижалар беряпти. Диплом иши олган студентлар ўзларига бириктирилган ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил иш олиб боряптилар. Уларнинг кўпчилиги диалектологиядан диплом ишн ёзишяпти. Яман диалектологияси бўйича ёқланган диплом ишн юқори баҳоланди. Шарқ тиллари статистикаси ҳам ўрганияпти. Унда ҳозирги замон газета-журналларида энг кўп учрайдиган тилимиздаги сўзлар ҳисобга олинади. Шунга қараб тил ўрганишда кўп ишлатилган сўзлар татбиқ этилади. Бу тилларнинг характерини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Факультет йирик тадқиқотлар марказига ҳам айланган. Ўзбек тилини ўрганиш устида ҳозир доцент И. А. Киссен қизғин иш олиб бораётир. «Форс тилида сўзларнинг ясалиши» деган тема устида доцент Н. А. Муҳамедов ҳам катта монографик тадқиқот ёзмоқда. Доцент Б. З. Ҳамидовнинг «Араб тили дарслиги» эса нашрдан чиқди. Бу китоб Москва, Боку, Тбилиси олимлари томонидан юқорн баҳога сазовор бўлди. Китобнинг иккинчи нашрн ҳам яқинда босмадан чиқади.

Доцент Шоислом Шомуҳамедовнинг 50 дан ортиқ мақолалари республика газета ва журналларида босилган. Прага шаҳрида унинг «Ҳофиз гуманизми» мақоласи инглиз тилида босилиб чиқди. Олим «Форс классиклари ижодида гуманизм ғоясининг тараққиёти» деган илмий асарини Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига совға қилмоқчи. Ҳозир доцент раҳбарлигида Хусрав Деҳлавийнинг ижоди устида иш бошлашган.

Шарқ факультетн олимларн юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари шарқ тилларн лексикологияси қақида ҳам илмий иш олиб бормоқдалар. Мактаб ва олий ўқув юртларн учун дарслик ва қўлланмалар тайёрланяпти. Уларнинг ана шу олий мақсад йўлида қилаётган илмий ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз!

Фарида УСМОНОВА,
ТошДУ студенти.

ЯНГИ САНЪАТ ҚАСРИ

Кўп бинолар қаторн Тошкентдаги санъат музейн ҳам энлн-ладан жуда катта сарар кўрган эди. Музейни ремонт қилиш иложи бўлмади. Шунинг учун бино бузиб ташланди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг қарорига биноан унинг ўрнида янги бино қуришга қарор қилинган эди. Кўни кеча музейни қайтадан қурнш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларни Маданият министрлигига қарашли қурилиш ташкилоти олиб бормоқда.

Бино тўрт қаватли бўлиб, экспонатлар тематикасига қараб алоҳида-алоҳида залларга қўйилади. Езнинг иссиқ кунларида бинода ҳаво алмаштирувчи махсус вентиляторлар ишлаб туради.

Бино лойиҳасининг автори архитектор Розенблюмдир.



ОҲАНГАРОН кўмир разрези коллективи юбилей шарафига пландан ташқари бир неча ўн минг тонналаб «қора олтин» қазиб чиқармоқда. В. Лейзерович олган бу суратда 9-шахтанинг Шамил Эшмаев бошлиқ пешқадам бригада аъзоларини кўриб турибсиз.

УзТАГ фотохроникаси.

ДЎСТЛИК МЕҲРИ

Миша Тошкентда эканида рўй берганини эслаб, бирничилар қаторн ёрдамга отланган эди. Унинг пойтахтимиз жамоасини ўзгартиришга ҳисса қўшиб келаётганига бир йилдан ошиб қолди. Эндигина 38 баҳорни кўрган слбирлик йигит 6-трестнинг 32-қурилиш участкасида шоферлик қилмоқда. Белгиланган юкларни манзилга ўз вақтида етказишда унинг хизмати катта. Ҳозиргача унумли ишлаб 1450 нчтр ёнилғини тежашга муваффақ бўлди. Кўнсида «Аъло ҳочи шофер» ва «Тошкент биноқорн» значоклари порлаб турибди.

М. Шчербаков тошкентликлар оғирини енгил қилишга ўз муносиб ҳиссасини қўшаётганидан бекад мамнун.

— Тошкент фақат нон шаҳрнгина эмас, дўстлик шаҳри, шоирлар тили билан айтганда «Шаҳри Дилоромга» айланган,—дейди у қувонч билан.—Мард тошкентликлар қардошлар ёрдамини умрбод унутмшмаганндек қардошларимиз ҳам тошкентликларнинг очиқ кўнгиллилнги ва меҳрибонлигини асло эсдан чиқармайдилар.

И. УРИНБОЕВ,
О. ЭШОНХОНОВ.

ЖАМБУЛ ЭЛИНИНГ ТУҲФАСИ

ҒАФУР Ғулом ва Фарҳод номли кўчалар бўйлаб юрсангиз, ойналари офтоб нурида ярақлаб қад кўтарнб турган кўркам турар-жой бинолариға кўзингиз тушади. Булар Жамбул эли—қардош қозоқ бинокорларининг тошкентликларга муносиб армуғонидир. Ҳозиргача улар 840 квартирали уй-жой бинолариии қуриб, фойдаланишга топширдилар.

— Бу 20 минг квадрат метрдан кўпроқ майдонни ташкил этади, — дейди биз билан суҳбатда Қозоғистон қурилиш-монтаж поезднининг раҳбари В. Герасименко. Яна қурувчиларимиз 8 минг квадрат метр уй-жой бинолари барпо этишга астойдил бел боғлаганлар. Кезн келганда айтайки, ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлаётган бинокорларимизга тошкентликлар ҳам зўр меҳр-муҳаббат билан қараётирлар. Зарур ёрдамларини аямаётирлар.

Шуниси яхшики, қардошларимиз ўзларининг миллий анъаналарини бу биноларда эсдалик қилиб қолдирмоқдалар. Биноларнинг пештоқлари ва дераза атрофларини ироқи кигиз акси безаб турибди. Серҳиммат қозоқ бинокорлари қолган биноларни ҳам шинам ва кўркам қилиб қуриш йўлида астойдил курашишаяпти.

Т. НАЖМИН.

ҚИШЛОҚ БУНЁДКОРЛАРИ

Бундан ўн йил муқаддам райoнда колхозлараро қурилиш ташкилотига асос солинган эди. Дастлабки йилда бу ёш ташкилот ихтиёрида фақат бир автомашина ва трактор бор эди. Қурувчилар сони эса қарийб 40 кишн эди. Йиллар ўтди... Қурилиш ташкилоти кенгайди. Моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ажойиб қурувчилар армияси етишиб чиқди. Қурилиш ишлари замонавий, кўратли техника ёрдамида амалга оширилмоқда. 42 та автомашина, ўнлаб турли маркали трактор, автокран ва бошқа механизмлар объектларда хизмат қилаяпти.

Ташкилотнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам йил сайин ўсаяпти. Ҳозир олиб борилаётган қурилиш ишларининг ҳажми бундан 10 йил аввалгига нисбатан 12 баравардан зиёд ошиб кетди.

Маълумки, ҳамма жойда ҳам ишнинг тақдири малакали кадрларга боғлиқ.

— Дастлабки даврда,— дейди қурилиш ташкилотининг раиси Ўрток В. Эргашбоев,—битта ўрта маълумотли қурувчига эга эдик. Ҳозир қурилиш майдонларида 300 га яқин малакали ишчилар баракали меҳнат қилмоқдалар. Уларга 22 инженер-техник ходим раҳбарлик қилмоқда. Шу жумладан етти кишн олий маълумотли инженердир. Колхоз ва ташкилотларда йирик-йирик хўжалик, маданий-маиший объектлар жадаллик билан қурилмоқда. Ҳар бир объектни аъло сифатли қилиб битказишга эътибор бериляпти.

Сўнгги йилларда ташкилотнинг моддий-техника базаси янада бойнди. Иккита темир-бетон полигони, арматура цехи қурилиш материаллари сифатини аниқловчи лаборатория, тўртта пилорама ва кўпгина ёрдамчи цехлар ишга туширилди. Иккита минора крани фойдаланишга топширилди. Техникадан унумли фойдаланаётган бинокорлар иншоотлар қуриш топширигини йил сайин ортиги билан адо этмоқдалар. Ўтган йили 29 та йирик объект фойдаланишга берилди. Булар орасида маданий-маиший бинолар асосий ўринни эгаллайди. «Правда» колхозида 536, «Ўзбекистон» колхозида 320 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб бинолари қад кўтарди.

Колхозларда турар-жой бинолари қурилиши кенг кўламда олиб борилаётир. Моҳир бинокорлар чорвадорлар учун ўнлаб шинам уйлар қуриб бердилар. Шунингдек колхозларда касалхона ва болалар боғчаси ҳам бунёд этилди.

Азамат коллектив юбилейга муносиб совға тайёрламоқда. Мавжуд тўққизта қурилиш участкасида ҳозир иш қизғин. Ҳар бир ишчи, инженер техник ходим юбилей объектларини ўз муддатида, юқори сифатли қилиб тамомлашга ҳаракат қилмоқда. Бинокорлар ойлик планларини муваффақиятли адо этиб юбилей йилида жами 1 миллион 514 минг сўмлик ҳажмида иш бажариш учун курашишаяпти.

Ташкилот эндликда ўзининг уста бинокорлар отрядига эга. Қурувчилик касбини ардоқлаётганлар ҳукуматимиз орден ва медаллари билан тақдирланганлар. Прораб Ўринбой Шамсиев Ленин ордени билан, шофер Насиб Умаров, қурилиш бригадасининг бошлиғи Олим Алметов ўртоқлар эса «Ҳурмат белгиси» ордени ва ғишт теручиси Тожибой Дёсматов, дурадгор Абдусамад Мусаев ўртоқлар «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотландилар. Бу ерда ташаббус кўрсатиб ишлаётган янгидан-янги ватанпарварлар етишиб чиқаётир. Улар орасида Т. Эштоев, М. Шираев, С. Халилов каби ўртоқлар бор. Қисқаси колхозлараро қурилиш ташкилотининг улкан ва баракали ишидан район меҳнаткашлари бенихоя миннатдор бўлишаяпти.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.
Юқори Чирчиқ райони.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

ОБЛАСТИМИЗНИНГГИНА эмас, балки бутун республикамизнинг фахри бўлган корхоналар кўп. Ана шулардан бири Қўйлиқдаги ремонт-механика заводидир. Корхона коллективи Совет ҳокимиятининг эллн 50 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Улар юбилейни ҳар қачонгидан қувончли меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ишлаб чиқаришнинг ҳамма кўрсаткичларини юқори даражага кўтаришга интилмоқдалар. Дастлабки саккиз ойлик планда кўзда тутилган 2 миллион 141 минг сўм ўрнига 2 миллион 146 минг сўмлик миқдорида умумий иш бажарилди. Шу қисқа вақт ичида 1495 та мотор сифатли ремонтдан чиқарилди.

Коллектив юбилей йилида ўз зиммасига олган улкан мажбуриятни сўзсиз бажариш учун техника тараққиётини ўстиришга, ремонт ишларини механизациялаш даражасини кўтаришга катта эътибор бермоқда. Мана, мотор цехидамиз. Ишчилар у қадар кўп кўзга ташланмайди. Асосий оғир ишларнинг ҳаммасини механизмлар бажармоқда. Бу ерда асосан КДМ—46 ва ДТ—54 агрегатларининг моторлари ремонт қилинади. Мотор қисмларини йиғиш ва ёйишгача бўлган барча ишлар механизмлар ёрдамида осонгина бажарилмоқда. Зарур деталларни ва моторни махсус тележкалар ёрдамида керакли жойга силжитадилар. Йигув бўлимида икки линияли рельс ишчилар мушкулини осон қилмоқда. Оғир ишлардан бири ҳисобланган тирсакли вални жойлаштириш учун электромеханик мосламадан фойдаланилаётир. Йигув монтаждашда пневматик ва гидравлик пресслар қўлланилаётгани ҳам нур устига нур бўлмоқда.

Гидропресс цехида ҳам меҳнатни механизациялаштириш тобора яхшиланаётгани кишини қувонтиради. Бу ерда оғир қисмларни силжитиш учун махсус электртельфер ва монорельслардан муваффақият л и фойдаланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси КПСС XXIII съезди қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида оғир ишларни механизациялаштириш, кўл кучини имкони борича кескин камайтириш, янги техникани жорий қилиш ва шу асосда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўлида корхонада қатор намунали тадбирлар амалга оширилаётганини тасдиқлайди.

Барча цехларда ишнинг поток усулида ташкил этилгани муваффақиятни таъминламоқда. маҳсулотнинг сон ва сифат кўрсаткичларини яхшиламоқда. 40 тонналик босимга эга бўлган гидравлик прессдан ойига 180 тадан ишлаб чиқарилаётир. Бунда техника эгаси — ишчиларнинг баракали меҳнатларини кўрсатиб ўтиш керак. Слесарь С. Иброхимов, электрпайвандчи М. Умаров кабиларнинг гайрат-шижоати натижасида А. Асташин бошлиқ бригада корхона вимпелини анчадан буён ўз қўлида сақлаб келмоқда. Бу пешқадамлар қўли теккан моторлар эгаларига бир ярим минг соатлик гарантия билан берилмоқда. Бошқа маҳсулотларнинг гарантия муддатлари ҳам бир ярим йилни ташкил этади. Айниқса А. Желдакаев, К. Собиров, Т. Зацепин бошлиқ бригадаларнинг ишлари диққатга сазовор. Улар юбилей йилида Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашмоқдалар.

Техника тараққиёти учун кураш ҳомашё, материаллар, электр энергиясини тежаш учун кураш билан боғлиқ, албатта. Корхонада иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун кураш яхши йўлга қўйилган. Бу ишга завод рационализаторлари ўзлаштирнинг баракали ҳиссаларини қўшмоқдалар. Юзга яқин рационализатор юбилей йилида ўзларининг ихтиорчилик таклифлари билан 30 минг сўмдан ортиқ фойда келтиришга интилшаяпти. Иван Климов, Турғун Ризаев, Сергей Майоров каби ўнлаб рационализаторларнинг жонкуярлиги ремонт сифатининг яхшиланишига, меҳнат унумдорлигининг кескин кўтарилишига баракали ёрдам бермоқда.

Барча цехларда кун сайин авж олаётган меҳнат кўтаринкилиги завод коллективининг ўз олдига қўйган вазифаларини муносиб бажараётганини кўрсатади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, товар маҳсулоти тайёрлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш бўйича топшириқлар айниқса намунали адо этилаётир. Техника тараққиёти ва механизациялаштириш натижасида меҳнат унумдорлиги 6,2 процент ошган маҳсулот таннархининг бултурги шу вақтга нисбатан 4,7 процент арзонлашгани бунинг далилидир. Коллектив байрам шарафига пландан ташқари 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган. Техника тараққиёти йўлида корхонада янги-янги қадамлар қўйилмоқда. Юбилей шарафига деталларни марказлаштирилган тартибда тиклаш цехи ишга туширилган бўлса, келгуси йилда ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланадиган янги мотор цехини фойдаланишга топшириш мўлжалланаяпти.

Корхонада амалга оширилаётган улкан ишлар чиндан ҳам тақдирга лойиқдир. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган гидравлик прессларнинг Жазоир, Куба, Вьетнам Демократик Республикаси, Югославия каби чет мамлакатларда яхши баҳога сазовор бўлаётгани ҳам ўз-ўзидан қувончли ҳолдир. Коллектив бултур корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақада СССР Министрлар Совети Бутуниттифоқ Бирлашмасининг ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш саноати ишчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга муяссар бўлган эди. Пешқадам коллективнинг юбилей арафасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланиши коллектив ишига берилган юксак баҳо бўлди. Шу кунларда улар Фрунзе шаҳридаги ремонт-механика заводининг ишчи-хизматчилари билан муваффақиятли суратда беллашмоқдалар.

Х. ИКРОМОВ.

КОРХОНА ЯШАРМОҚДА

Шу кунларда Янгийўл ёғмой комбинатига қарашли 1-завод ишчилари, инженер-техник ходимлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейигача корхонани қайтадан яшартириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача эскирган шнекпресслар ўрнига 20 та янги форма прессларн монтаж қилинди. Транспорт механизмлари, вентиляция қурилмалари қайта реконструкциядан чиқди. Цехларда саноат эстетикаси жорий этилаётир.

Форма прессларнинг биринчи линияси яқинда ишга туширилди. Барча линиялар тўла ҳаракатга келгач, бир кеча-кундузда чигит тайёрлаш ҳажми 250 тоннага кўпаяди. Кўпгина машаққатли меҳнат механизмлар елкасига юкланади. Янги агрегатлар унумдорликни ошириб маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади.

К. РОГАЧЕВ.



Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи шарафига 30 миллион дона мевали ва сабзавотли консерва банкаси тайёрлаш учун курашаётган Янгийўл консерва заводи коллективи кундан-кунга қувонарли меҳнат зафарларини қўлга киритмоқда. Суратда: старший товаровед Кобик Зера маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

В. Сироткин фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

УМУМИЙ ЮКСАЛИШНИ ЎЙЛАНГ

Ўзбекистон металлургия заводи коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллик тўйини меҳнатда улкан ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қилаётир. Ҳозир барча цехларда, участкаларда юбилей шарафига бошланган ўзаро социалистик мусобақа қизғин давом этаяпти. Ҳамкасбларимиз юбилейга шахсий совғалар билан келиш ниятидадирлар.

Шу юксак марра сари интилиб юбилей йилининг ярим йиллик планини муваффақиятли якунладик. Қўшимча кўп миқдорда пўлат маҳсулотларн ишлаб чиқарилди. Сўнгги ойларда ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Лекин коллектив эришаётган муваффақиятлар кўлами бундан ҳам кенгроқ бўлиши мумкин эди. Бизнинг баракали меҳнат қилишимиз учун айрим ташкилотлар ишга совуққонлик билан қараб тўсқинлик қилаётирлар.

Ҳукуматимиз кўргазмасига биноан «Вторчермет» бошқармаси металлургия заводлари учун фақат габаридли металлом етказиб беришлари лозим. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам, мартен печларидан унумли фойдаланиш жиҳатидан ҳам фойдалидир. Аммо «Узбекторчермет» бошқармаси бу соҳада бизнинг талабларимиз даражасида ишламаяпти. Бошқарма юбораётган металлом ГОСТ талабларига жавоб бермайди. Ўтган беш ой давомида бошқарма бизга 180 минг тонна металлом етказиб берди. Шундан атиги 166 тоннаси габаридли металломдир. Бу ҳақда биз бошқармага ўз эътирозимизни билдирдик. Лекин бошқарма ҳеч қандай тадбирни амалга оширмади.

Габариденз металлом бизнинг кўлимизни ушлайди. Уни бу ерда қайта майдалаб печларга ташлаш керак. Аммо заводда металлом майдалаш учун агрегат йўқ. Чунки бу вазифа бизнинг зиммага юкланмаган. Шундай бўлса ҳам ўтган ойларда биз бошқарма бажариши лозим бўлган ишни қнлиб бўлса ҳам бажаришга мажбур бўлдик. Аммо бу давлат учун анча қимматга тушди. Ўтган олти ой давомида мартен печлари 50 соат тўхтаб қолди. Натижада қўшимча ишлаб чиқариш мўлжалланган пўлат қўйилмай қолди.

«Узбекторчермет» бошқармаси юбораётган металломларнинг габаридлиси билан габаридсизи айрим ҳолда аралашиб келиб қолади. Металломни ортиш пайтида шунга кўпинча риоя қилишмайди.

Биз ўйлаймизки, «Узбекторчермет» бошқармаси раҳбарлари металлурглар талабини инобатга олиб корхонамизга габаридли металлом етказиб беришни намуналй йўлга қўядилар. Бундан барчамиз ютамиз, умумий юксалишга эришамиз.

Р. ЮСУПОВ,
мартен цехи бошлиғи,
А. ЭРГАШЕВ,
цех мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МИРИШКОР ПАХТАКОР

Оппоқ тонгда «оқ олтин» далаларни беқиёс кўркам ва дилнавоз кўринади кўзга. Шамалок-шамалок юлдуз чаноқлардан тошиб чиққан лўппи дурдоналар «Мана менй териб ол!» дегандек қулоқ боқади. Бобо деҳқоннинг, эл-юртнинг қанчадан-қанча меҳр-муҳаббати мужассам тошган ана шу чаноқларни кўрганда қалбларда гайрат, меҳнат шижоати жўш уриб кетади. Ҳа, юрагида ўти бор азаматлар зўр иштиёқ билан аллақачон теримга тушиб кетишган. Уфқларгача чўзилиб кетган пахтазорларда белига этак тутган қиз-жувонлар шўх кулгиси «зангори кема»лар наърасига ҳамоҳанг.

Кекса пахтакор Нормирза Эшев қадоқли қўлларини бошн узра соябон қилиб чор атрофга зеҳн бериб боқаркан, олисдан эшитилаётган чевар қизлар ашуласига жим қулоқ солди. Кўнгли алланечук яйраб кетди. Пахтазор қўшиғи уни ўтмишга аста етаклади.

Мана, Нормирза аканинг кетмон кўтариб далага чиққанига ҳам роса эллик йил бўлибди. Ўшандан буён қанча ишлар бўлмади, қанча сувлар оқиб ўтмади. Нормирза Эшев ўшандаёқ пахтакорлик касбини севиб танлади. Ер ўзлаштирди, «оқ олтин» ундирди. Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда у пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб келяпти.

Советлар замонида бу қишлоқда ажойиб, талбирли кишилар—янги давр вакиллари етишиб чиқди. Ҳозир колхозчи ўз ишининг моҳир устаси бўлган билимли мутахассис. Ана шуларнинг билими ва куч-ғайрати билан ҳар йили далаларимиздан мўл «оқ олтин» хирмони кўтарилаяпти.

Нормирза Эшевнинг ўзи ҳам ана шу, колхознинг уста деҳқонларидан, мутахассисларидан биридир. У коллектив билан, колхоз билан бирга ўсди, вояга етди. Унинг ишдаги маҳорати ва билими тинимсиз ошаборди. Қачонлардир у ҳар гектар майдондан 10—12 центнер пахта етиштириб келган эди. Ўтган йили эса, гектар бошига 26 центнердан ҳосил кўтарди. Бу йил унинг мўлжали катта: ҳар гектар майдондан она-Ватанга камида 35 центнердан дурдона ҳадя этмоқчи.

Эл ўртасида танилган бу оддий деҳқоннинг фидокорона меҳнати бир неча марта ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди. Н. Эшевга «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилган.

Бригаданинг 140 гектар пахта майдонида шу кунларда йиғим-терим қизғин. Бригадада барча ишлар асосан механизациялашган. Нормирза Эшев яхшигина тарбиячи ҳамдир. У кўпгина йигит ва қизларни пахтакорлик касбига ўргатаяпти. Ҳозирги вақтда бригадада асосан ёшлар —комсомоллар ишлаётгани бундан далолат беради. Булар Аноржон Кенжаева, Сохбуви Фозилова, Тожинисо Фозилова, Дилором Нишоналиева ва бошқалар. Чевар қизларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 10 тоннадан ошириб пахта териб беришга аҳд қилишган.

Суратда: Бригада бошлиғи Нормирза Эшев.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).



ЕМ-ХАШАК СЕРОБ

Оржоникидзе районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги совхозида ҳозир ем-хашак тайёрлаш қизғин. Ҳар йили ҳам чўпонлар қорва қишловига пухта тайёргарлик кўриб, моллари қишловдан семиз ва соғлом олиб чиқишади.

Ўтган йили чорвадорлар ем-хашак жамғаришда техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳар бир тонна пичан тайёрлаш 3 сўм 17 тийин ўрнига 2 сўм 15 тийинга тушди. Бошқа бўлимларда ҳам ана шундай қувончли кўрсаткичларга эришилди.

Чорвадорлар бу йил ҳам арзон ва кўплаб ем-хашак тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар. Совхоз далаларида 25 та пичан ўрадиган агрегат, 11 та автомашина ишлаб турибди.

Совхоз 2200 тоннадан ортиқ ем-хашак тайёрлаб йиллик планни ҳозирнинг ўзидаёқ бажариб қўйди. Ҳар бир тонна ем-хашак тайёрлаш учун ўтган йилгига қараганда 53 тийиндан кам маблағ сарфланди.

Чорвадорлар юбилей йили вахтасида туриб ишлаб бир ярим йилга етадиган ем-хашак жамғариш учун курашмоқдалар.

А. ИМОМБЕРДИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„ОККЎРҒОНЛИКЛАР ТЕРИМГА ШАЙМИ?"

Ана шундай сарлавҳа билан газетамизнинг 20 август сонида мақола босилиб, унда оққўрғонликларнинг юбилей йилида маҳорат билан ишлаб мўл ҳосил етиштирганликлари, етиштирилган ҳосилнинг 50 минг тоннаси ёки қарийб 75 процентини машиналар билан тўриб олишга бел боғлаганликлари қайд этилган эди. Бироқ мавжуд техника воситаларини ремонтдан чиқариш, 100 та ХВС—1,2 машинасини модернизация қилиш учун запас қисмлар, моторлар, двигателлар, баллон ва бошқа запас қисмлар етишмаётганидан қаттиқ ташвишга тушиб қолганликлари, «Узсельхозтехника» область бирлашмаси вақтда қилиб зарур механизмларни етказиб бермаётгани танқид қилинган эди.

Яқинда «Узсельхозтехника» Тошкент область бирлашмасининг раиси ўртоқ М. Мамонтов имзоси билан редакцияга қуйидаги жавоб келди.

«Мақола «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг президиумида муҳокама қилиниб, кўрсатилган фактлар тўғри деб топилди. Оққўрғон районига 804 та аккумулятор, тракторнинг олдинги гилдираги учун 676 баллон, 116 та чопиқ трактори юборилди. Шу билан бирга «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ўзининг 1967 йил 17 майдаги буйруғи билан Оққўрғондаги 92 та ХВС—1,2 маркали машинани модернизация қилмоқчи эди. Ҳозиргача модернизация қилиш учун 45 та Д—37 двигатели юборилди. Қолган двигателлар ҳам пешма-пеш юборилмоқда. Бундан ташқари районга инженер-техник ходимлар ҳам юборилди. Район хўжаликларини зарур запас қисмлар билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти».

М. МАМОНТОВ,
«Узсельхозтехника» Тошкент область бирлашмасининг раиси.

„ХАСРАТЯННИ КЎРГАН БОРМИ?"

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 18 август сонида танқидий мақола босилган эди. Унда Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларидаги колхозларни сув билан таъминлайдиган «Созбука» каналидаги аҳволнинг ёмонлиги, сув хўжалиги ходимлари эса каналда юз бераётган аҳволни назорат қилмаётганликлари танқид қилинган эди.

Яқинда Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг бош инженери ўртоқ Л. Ронин имзоси билан шу мақолага қуйидаги жавобни олдик:

— Мақола автори Ўрта Чирчиқ районидаги «Созбука» каналида йўл қўйилган камчиликларни рўйрост очиб ташлаган, — дейилади жавобда. Бошқарма канални қайта қуриш учун лойиҳа ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаб қўйди. 1967 йилнинг кузи ва 1968 йилнинг қиш ойларида канални қайта қуриш ишлари ниҳоясига етади. Бошқарма 1968 йилнинг суғориш кампанияси даврида Ўрта Чирчиқ ҳамда Юқори Чирчиқ районларидаги хўжаликларни сув билан тўла-тўкис таъмин қилаолади, деб ишонтирамиз.

БУГУН ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЯШИЛ БОЙЛИК

Бугун ўрмон ходимлари куни. Совет кишилари ўрмонсозлик, қоғозсозлик ва ёғоч ишлаш саноати ходимларининг байрамини тантанали равишда нишонлайдилар. Ўрмончилар кунининг умумхалқ байрамига айланиши партия ва ҳукуматимизнинг ёғоч саноатини ривожлантиришга тўхтовсиз эътибор бераётганининг яна бир намойишига айланди. Бизда дарахтларни яшил бойлик деб қувониб гапиришади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Ўрмонзорларни кўпайтиришга йилдан-йилга эътибор бериш яхшиланяпти. Ёғочлардан истаган буюмларни тайёрлаш мумкин. Саноатимизда, қурилишларда, ёғочлардан кенг фойдаланилмоқда. Республикамизда ҳам ўрмончилик хўжалиги йилдан-йилга кўпаймоқда. Эндиликда тоғларда, тоғ ёнбағирларида минг-минг гектар ўрмонларга эгамиз.

Ўрта Осиёда ўрмончилик илмий-текшириш институтининг ташкил этилиши ўрмон хўжаликларимизни ривожлантиришда айниқса катта роль ўйнади. Институтнинг илмий ходимлари қишлоқ хўжалиги экинлари экишга яроқлай бўлган тоғлик, чўл ерларини ўзлаштириб, яшилзорлар ҳосил қилишмоқда. Илгари одам қадами босилмаган, қақраб ётган ерларда эндиликда яшил ўрмонлар вужудга келмоқда. Булар ҳавони яна-да соф этишда, саноатимизни хомашё билан таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Узоққа бормайлик. Тошкент областини олиб кўрайлик. Эндиликда чўл ерларимиз гулистонга айланди. Чирчиқ соҳилларида, Бурчмулланинг ёнбағирларида, Оҳангарон тепаликларида ва Бекободнинг чўл, саҳроларида юзлаб гектар ўрмонзорлар вужудга келди. Бу ўрмонларга борган кишининг баҳри дили очилиб келади. Улар республикамиз пойтахтидан унча узоқ эмас. Машинада атиги уч-тўрт соатлик йўл. У ерларга: саноатимизнинг ишчилари, хизматчилари шаҳар аҳолисининг жуда кўпчилиги дам олиш кунларида саёҳатга чиқиб дам олиб қайтишмоқда. Ҳа, Тошкентимизнинг ёнбағирларида жуда кўп ўрмонларимиз бор. Туябўғиз сув омбори қурилиши атрофларини кўрган кишининг ҳаваси келади. Бу ерда 200 гектар боғзор вужудга келтирилди. Эндиликда улар ҳосилга кирди. Олма, шафтоли, олхўрилар гарқ пишди. Ўтган йили бу ерда 88 тонна мева давлатга етиштириб берилди. Бу йилги ҳосил ҳам чакки эмас. Ҳозирнинг ўзида соҳибкорлар 190 тонна мева сотишди. Бу ердан ҳар куни ўнлаб тонна мева савдо дўконларига, консерва заводларига жўнатилиб турилибди.

«Кумушкон» дам олиш уйи территориясини яна ҳам обод қилинади. Бу ерда сайргоҳлар учун барча қулайликлар вужудга келади. 25 гектар майдон ўзлаштирилиб ўрмонзорга айлантирилади. Дам олиш уйи посёлкаси яна ҳам қўркамлаштирилади. Ҳозир кўчаларнинг икки четига дарахтлар ўтказилди. Бу ерда дам олувчилар яхши ҳордиқ чиқармоқда. Кўча ва аллеяларга яшил дарахтлардан соябонлар қилиб қўйилган.

Областнинг бошқа жуда кўп дам олиш уйлари ҳам ана шундай соя-салқин дарахтзорларга бурканган ерларга жойлашган. Кейинги йилларда баҳаво жойларда жуда кўпгина пионер лагерлари, дам олиш уйлари, санаториялар ташкил этилди. Чотқол тоғи тизмалари ёнида, Чирчиқ ва Бурчмулла атрофидаги ўрмон хўжаликларида ана шундай маданий дам олиш уйлари кўпайтирилди.

Бир қатор ўрмон хўжаликлари хўжалик ҳисобида иш олиб бормоқдалар. Тошкентдаги ўрмон хўжалигида хўжалик ҳисобида ишлайдиган цехлар ташкил этилган. Цех ишчилари уйрўзғор, хўжалик учун керак бўлган буюмлар ишлаб чиқармоқда. Қамишлардан коразиналар, плиталар, супурги ва бошқа нарсалар тайёрланаяпти. Ўрмон хўжалиги шу йилнинг ўзида ана шундай маҳсулотлардан 150 минг сўмлиқдан кўпроғини ишлаб чиқаради.

Чирчиқ, Бурчмулла, Бекобод ўрмончилик хўжалигининг ишчилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб совғалар билан нишонлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Чирчиқ ўрмон хўжалиги ходимлари прогрессив иш методларини қўллашмоқда. Ишларни кўл кучи билан эмас, механизация ёрдами билан амалга оширмоқдалар. А. Моисеенков, Я. Вотчель, Д. Маҳкамов каби механизаторлар юбилей вахтасида туриб ишлаб, ўрмончилар кунини кундалик нормаларини 130—140 процент бажариш билан нишонладилар. Бу ерда дарахт ўтказиш механизация ёрдами билан амалга оширилаётганлиги сабабли ҳар бир гектар ерга кетган харажат 11—12 бараварга камайди. Сўнгги беш йил ичида Чирчиқ ўрмончилари боғ ва узумзорларни жуда кенгайтиришди. Эндиликда бу ерда 1000 гектар ер боғзорга айлантириляпти.

Шуни қувонч билан қайд қилиш керакки, айниқса кейинги йилларда маҳаллий кадрлардан ўрмон хўжалиги ходимлари тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Бундан 20 йил муқаддам республикамизда ўрмон ишлари бўйича фақатгина битта ўзбек мутахассиси бор эди. Эндиликда бу ерда ишлаётган кишиларнинг 80 проценти махсус маълумотга эга бўлиб, улар маҳаллий кадрлардандир. Кадрларни тарбиялашда ва уларнинг билимларини оширишда Ўрта Осиё ўрмончилик илмий-текшириш институти катта роль ўйнамоқда. Институт ходимлари билимларини ишлаб чиқаришга боғлаган ҳолда олиб бораяптилар. Улар тоғ ёнбағирларида кўплаб ўрмончилик хўжаликларини вужудга келтиряпти. Селекция ишларини амалга оширишаяпти. Янгидан-янги режалар ишлаб чиқишаяпти. Айниқса ўрмон хўжалигини механизациялаштиришни тезлаштиришмоқда. Ўрмон хўжалигининг ходимлари олимлар билан ҳамкорликда ишлаб Бекободнинг шамол ва бўронларини тўсадиган мўстаҳкам дарахтзор ўстиришмоқда.

Бугун ўрмон хўжалиги ходимлари куни. Биз шонли байрамни нишонлар эканмиз, ўрмончиларнинг бундан кейинги ишларига янада янгидан-янги ютуқлар тилаймиз. Тоғ ва чўллар, ташландиқ ерлар яқин йилларда ишлаб дарахтзорларга айланиб, мевали боғ-роглар янада кўп бўлишига ишонамиз.

В. КИРИЯЦКИЙ,
ўрмоншунос.



Суратда: Чирчиқ ўрмончилик хўжалигининг кўриниши.
Автор фотоси.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

БАНГИДА СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИ БАНГИ. Марказий Африка Республикаси пойтахтининг кўчаларида пайдо бўлган чиройли афишалар аҳолини шаҳарнинг йирик кинотеатри «Воксга келишга чақиради. Бу кинотеатрда совет киноси кунлари ўтмоқда. Бу ерда кўрсатилган «Ленин Польшада» фильми томошабинларнинг катта қизиқишига сазовор бўлди. Банги аҳолиси «Оптимистик трагедия»ни ҳамда совет халқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги бир неча фильмни томоша қилади.

У ТАН КИНШАСАДА

КИНШАСА. БМТ Бош секретари У Тан Киншасага келди. У, Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ассамблеяси ишида қатнашади.

ВДРДА ГРЕГОРИАН КАЛЕНДАРИ ҲАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати мамлакат ҳаётининг барча доираларига расмий Грегориан қўёш календарини жорий қилишга қарор берганлигини эълон қилди. ВДРда 1945 йилда жорий қилинган Грегориан календаридан ҳозирга қадар давлат органларида ва шу органларнинг мамлакат аҳолиси билан бўладиган муносабатларидагина фойдаланиб келарди. Айни вақтда қишлоқ районларида асосан Ой календари қўлланилар эди.

САЛАЗАРЧИЛАР ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Бир группа португалиялик адвокатларнинг юстиция министри Матос Антунес Варела номига юборган мактубида зиндон—қалъа Пенишида сиёсий маҳбусларга нисбатан вахшиёна муомала қилинишига қарши норозилик билдирилади.

27 адвокат имзо чеккан мактубда айтиладики, қамоқхоналарда ётган маҳбусларга жисмоний жазо берилаяпти, уларга ўлдирамиз, деб дўқ қилинаяпти, ҳатто уларга ўқ узилаяпти. Маҳбуслар адвокатларнинг хизматидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум, кўплари касал, уларни қариндошлари келиб кўришларига руҳсат этилмаётир. Адвокатлар «Пениши турмасидаги шароитларни дарҳол холис ва қаттиқ текширишни» талаб қилмоқдалар. (ТАСС).

ТЎҒРИ ЙЎЛ

ХАНОЙ, 14 сентябрь. (ТАСС). «Нян зан» газетаси К. Маркс «Капитал»ни босилиб чиққан кунининг юз йиллигига бағишланган бошмақоласини «Улуғ асарнинг голибона юз йиллиги» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Мақолада гениал асарни яратиш тарихи тўғрисида гапирилади ва Ленининг «Капитал»га берган баҳоси келтирилади.

Мақолада бундай дейилади: «Капитал»нинг биринчи томи босилиб чиққанидан роса 50 йил кейин Россия ишчилар синфи ва меҳнаткашлари марксизм-ленинизм байроғи остида Октябрь революциясининг ғалабасига эришдилар. Октябрь революцияси инсоният тарихида янги давр очди».

«Нян зан» газетаси рахнома байроқни кўтарган ишчилар синфи партияси тузилган пайтдан буён Вьетнам революцияси марксча-ленинча йўлдан бормоқда ва марксизм-ленинизмнинг асосий қоидаларини Вьетнам шароитларига татбиқ этмоқда, деб таъкидлайди.

АВВАЛГИ РУҲДА

БАНГКОК, 14 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда СЕАТО ҳарбий пакти маслаҳатчиларининг 27-кенгаши тамом бўлди. Эълон қилинган ахборотда бу сафар ҳам СЕАТОнинг ҳарбий куч-қудратини оширишга даъват этилади.

Ахборот Франция вакилининг иштирокисиз имзоланди. Франция вакили кенгашда қатнашмади. Покистондан фақат кузатувчигина қатнашди.

КАРЛ МАРКСГА БАҒИШЛАНАДИ

ЛОНДОН, 14 сентябрь. (ТАСС). Британия музейида Карл Марксниг «Капитал»и босилиб чиққан кунининг юз йиллигига бағишланган виставка очилди. Виставка «Карл Маркс Англияда» деб аталади. Виставканинг экспонатлари орасида «Капитал» биринчи нашрининг нусхаси бор. Бу нусха ҳозирги кунда библиографик нодир асар бўлиб қолди.

Виставка — ўлмас асар нашр этилган кунининг юз йиллиги муносабати билан шу кунларда Англияда амалга оширилаётган тадбирларнинг биридир. Бундай виставка Лондоннинг Кэмден районидаги марказий кутубхонада ҳам ғоят катта муваффақият қозонди. Лондонда инглиз механиклари ташаббуси билан вужудга келтирилган «Карл Маркс ёдгорлик кутубхонаси»да махсус стендлар тайёрланди. Ўтган ойда Лондоннинг Сохо кварталидаги уйда ёдгорлик тахтаси тантанали вазиятда очилди. Карл Маркс ўз ойласи билан бу уйда узоқ вақт яшаган эди.

КАМБОДЖА ЎЗ ВАКИЛЛАРИНИ ХИТОЙДАН ЧАҚИРИБ ОЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Камбоджа давлатининг бошлиғи Нородон Сианук ўз вакилларини Пекинда чақириб олаётганлигини айтди. Ассошиэйтед пресс агентлиги мухбирининг Пномпендан хабар беришича, Сианук Камбоджа бетарафлигини қўллаб-қувватлаш учун қилинган намойиш қатнашчилари олдида сўзлаган нутқида шу гапни айтган. У, «Хитой ҳаддан ташқари кўп хатоларга йўл қўймоқда» деган.

Нородон Сианук яна «Хитой бизнинг ички ишларимизга аралашмайдиган бўлса» Камбоджа «Хитой билан дипломатия муносабатларини узмайди», деган.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Синьхуа агентлиги Пекин «революцион комитети» деб аталган комитетнинг қарорини эълон қилди. Қарорда, Хитой пойтахтида «мисли сиз қулай революцион вазият вужудга келди» дейилади. Хитой пропагандасида одат бўлиб қолган Мао Цзэ-дун шаънига айтиладиган баландпарвоз мадҳиялардан сўнг, комитет қарори «революцион сўзларга, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига мадад беришда, «ҳарбий контролни амалга оширишда ва ёшларга ҳарбий-сиёсий таълим беришда» Пекин ҳарбий гарнизонининг алоҳида ролини таъкидлаб ўтади.

«Революцион комитет» «партия ҳокимият тепасида турган ва капиталистик йўлдан бораётган бир гуруҳ энг йирик шахсларни сиёсий, ғоявий ва назарий танқид остига олишни» ва «барча мусассасалар ва ташкилотларда танқид ва ўзгаришлар»ни амалга оширишни асосий вазифа қилиб қўяди. Шу мақсадда қарор «уч томон»нинг, яъни хунвэйбинлар билан цзаофанлар, армия ва Мао Цзэ-дунга содиқ партия кадрларининг ҳокимиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мажбуриятини юклайди. Комитет қарорида айтилишича, ҳокимиятнинг бундай янги органлари шаҳарларнинг районларида, уездларда, саноат корхоналарида ва олий ўқув юртларида тузилиши лозим. Шу тариқа фақат маҳаллий-маъмурий органларгина эмас, шу билан бирга саноат корхоналари ҳам, олий ўқув юртлари ҳам Мао Цзэ-дунга содиқ бўлиб турган ҳарбий қисмларнинг контроли остига олинади.

Қарордан маълум бўлишича, Мао Цзэ-дун муҳолифларидан ташкил топган «16 май қўшин группаси» ташкилотини Пекин «революцион комитети» қонундан ташқари, деб эълон қилади. Хитой матбуоти бу ташкилот тўғрисидаги ҳеч қандай тафсилотларни хабар қилмаган эди. Маоцзэдунчилар армияга қарши чиқишга журъат қилганлар. «Қатъиян йўқотилади» деб дўк ураётган материаллар Хитой матбуотида босиб чиқарилмоқда.

Хитойдаги чет эл кузатувчиларининг фикрича, бу нарса Мао Цзэ-дун тўдасининг ўз таянчи бўлган қуролли кучлар унчалик мустаҳкам эмаслигидан жиддий ҳавотир олаётганлигини кўрсатади. Хитой Компартияси Марказий Комитети ҳарбий комитетининг август ойи иккинчи ярмида бўлиб ўтган мажлисида мудофаа министри Линь Бяо сўзлаган нутқ ҳам шуни кўрсатиб турибди. Хабар беришларига кўра, министр мамлакатдаги партия ва маъмурий ҳокимият барбод бўлди ва эндиликда ҳарбий ҳокимият ҳам барбод бўлишига йўл қўйиб бўлмайди, деб айтган.

Хитой матбуотида босилаётган материалларга қараганда, жойларда маоцзэдунчилар билан уларнинг муҳолифлари ўртасидаги тўқнашувлар давом этмоқда. Газеталарда «куч ишлатиладиган курашни тўхтатиш» тўғрисидаги даъватлар ҳали ҳам босилиб турибди. «Синь гуйчжоу бао» газетаси августнинг охирида Гуйчжоу вилояти «революцион комитети» билан Гуйчжоу ҳарбий округи қўмондонлигининг қарорини босиб чиқарди. Шу қарорда «одамларни уриш, майиб қилиш, талаш, ушлаб олиш, мол-мулкларини мусодара қилиш» таъқиқланади. «Синхуа жибао» газетаси Нанкин шаҳрида хунвэйбинлар ва цзаофанларнинг бир-бирига душман ташкилотлари ўртасида «куч ишлатиладиган курашни дарҳол тўхтатиш тўғрисида битим» тузилганлигини 6 сентябрда хабар қилди.

Цзянси вилоятида чиқадиган «Цзянси жибао» газетасининг хабар беришича, яқинда Наньчан шаҳрини ва унга туташ икки уезднии ўз ичига олган «Наньчан муҳофаза райони» тузилган. Янги ташкил этилган район олдига «маданий революцияни ҳимоя қилиш» вазифаси қўйилган. Янги тузилган район қўмондонлиги «партиядаги ҳокимият тепасида турган» шахсларга қарши курашишга чақиради ва «қўпорувчилик фаолиятини қатъиян бостиришга» даъват қилади. Бундан аввалроқ Ухандаги фавқулодда ахвол муносабати билан шунга ўхшаш «муҳофаза райони» тузилган эди.

«Фуцзянь жибао» газетаси Фуцзян вилоятидаги вазият кескинлашганлигини эътироф қилган. Яқинда шу газетада босилган бош мақолада вилоятдаги Фучжоу, Чжаоан, Цзяньянь Ниндэ ва бошқа шаҳарларда ҳамда уездларда «партияда ҳокимият тепасида турган тўда» деҳқонларни шаҳарларга бориб қуролли кураш олиб боришга гиж-гижлади, цзаофанлар билан хунвэйбинларга қарши «жазо юришлари» ташкил этмоқда, деб ёзди.


Газета Хитой Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Фуцзян вилоят партия комитетининг биринчи секретари Е. Фэйнинг «вилоятлари рўйхати»ни эълон қилди. Е. Фэй вилоятдаги бошқа партия ва маъмурий раҳбарлар билан биргалашиб Мао Цзэ-дун ва «маданий революция ишлари билан шуғулланувчи группа» кўрсатмаларини бажаришдан бош тортди. Фуцзянда хунвэйбинлар билан цзаофанлар фаолиятини кенгайтиришга тўсқинлик қилди, деб айбланмоқда. Газета Е. Фэйнинг тақдири нима бўлганлигини хабар қилмайди.

(ТАСС, 13 сентябрь).



Чехословакиянинг Либерец шаҳрида тоғ чўққисида улкан минора барпо этилмоқда. Ҳозирча унинг баландлиги 42 метрга етди.

ЧТК—ТАСС фотоси.



Социалистик Чирчиқ йил сайин, кун сайин ғўзаллашиб, кўркамлашиб боряпти. Кейинги вақтларда шаҳарда қўпқаватли турар жой ва оммавий бинолар қад кўтарди. Янги-янги уйбоғлар, ровон йўллар барпо этилди. Суратда сиз Чирчиқ шаҳрининг Ленин майдонини кўриб турибсиз.

Г. Пун фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЮБИЛЕЙ БЕЗАКЛАРИ

Хонага киришингиз биланоқ бўёқлар ҳиди димоғингизга урилади. Ҳамма ўз иши билан банд. Бўйи бир-бир ярим метр, эни икки-икки ярим метр келадиган алвонларга чизилаётган расмларга қанчалик диққат билан қараманг, нималигини ажрата олмайсиз. Бир-иккитасини кўздан кечириб ҳеч нарсани англай олмаганимизни сезган ҳамроҳимиз Б. Ҳошимхўжаев тушунтиришга киришди:

— Бунга ажабланманг. 20—30 тасини бир ерга қўйиб, бутлагандан кейингина нима эканлигини билиб оласиз.

— Бу ишлаётган панномиз Октябрь байрамида Ленин майдони этагига ўрнатилади, — суҳбатга аралашди безак цехи бригадири П. Феденко. Бу пакно Совет ҳокимиятининг ғалабаси ва ярим асрлик ютуқларимизни акс эттирган бўлиб, узунлиги 86 метр, баландлиги 7 метр келади.

Цех усталари А. Францев, А. Мустафоев, Е. Тимковскийлар раҳбарлигида 20 дан ортиқ йирик панно лар тайёрлашяпти. Буларнинг ҳаммаси яқин орада қўлдан чиқади. Тематик жиҳатидан ранг-баранг бўлган панноларни шаҳар юбилей комиссияси тасдиғидан ўтган.

«Халқлар дўстлиги» деб аталган иккинчи паннонинг узунлиги 50 метр, баландлиги эса 7 метр келади. Ҳозир ниҳоясига етиб қолган спорт, архитектура ва қурилиш, маориф, СССР Қуролли Кучлари темаларига оид, «Тинчлик», «Советлар ҳокимияти учун», «Мамлакат — Тошкентга» деб аталган панно лар учун металл конструкцияли ячейкалар тайёрланяпти.

Шаҳар ижроия комитетига қарашли ободонлаштириш бош бошқармасининг ишлаб чиқариш комбинати Улуғ Октябрь байрамининг ярим асрлик тўйига яхши тайёргарлик кўряпти. Комбинатнинг безак цехи кўплаб панно лар, плакатлар тайёрлаётган бўлса, Қизилтут кўчасидаги металл цехи ишчилари боғлар, ҳиёбонлар, кўчаларда ўрнатиш учун чиройли ўриндиқлар қилишяпти.

Высоковольтний массивида ва Сергели районида кўплаб автостанцияларда соябонлар қурилди. Булар йўловчиларни ёзда куёшнинг иссиқ ҳароратидан, қишда ёмғир ва қордан асрайди. Чиройли ва бежирим соябонларни қуришда В. Полвонов бошлиқ комплекс бригада аъзолари жонбозлик кўрсатиб ишлашди.

Ишлаб чиқариш комбинати бу лардан ташқари турли гул вазалар, ҳар хил рекламалар, чиқиндилар учун яшчиклар тайёрлайди.

— Шаҳарни янада обод қилишда озми-кўпми ҳисса қўшяпмиз,— дейди ишлаб чиқариш комбинатининг старший инженери Б. Ҳошимхўжаев. Бироқ ишни янада жонлантириб юборишга цехлардаги аҳвол имкон бермаяпти. Комбинатимизнинг ҳамма цехлари ремонтга муҳтож, Максим Горький кўчасидаги дурадгорлик цехи бугун эрта бузилиш арафасида турибди. Биноларни ремонт қилиш ва ҳоналар беришни сўраб ободонлаштириш бош бошқармасига бир неча марта мурожаат қилдик. Ҳанузгача бу илтимосимиз жавобсиз қолиб келяпти.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

(БУ ЕРДА АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТ СЎЗЛАРИДАН АЙРИМЛАРИНИНГ МАЗМУНЛАРИ КЕЛТИРИЛДИ)

- Дўстлар қадрини бил, агар мартабанг кўк қадар юксак бўлса-ю, дўстларинг бўлмаса, нима фойда!
- Бировга зарар етказишга одатланган киши, халққагина эмас, ўзига ҳам жабр этади.
- Ҳар кимнинг инсофи бўлмаса инсон эмас, инсофсизнинг қилиғи камчиликдан бошқа нарса эмас.
- Зарарли нарсалардан тортинсанг, мушкулларинг осон бўлади.
- Кишини улуғ мартабага кўтаришга ошиқма ва яна арзимаган иш учун хўрлама!
- Кишиларнинг шараф эгаси бўлишлари мансаб ва насибдан эмас, балки ҳаё ва одобдандир.
- Дўстсиз киши ғамга чулғаниб куяди, ёғочнинг ёлғиз ўзи ёнса фақат тутун бўлади.
- Исроф — саҳийлик эмас ва исрофгарчиликни ақлли одам саҳийлик демас.
- Агар сиринқ игна бўлса ҳам халқнинг мулки бўлса, хиёнат қилма. Чунки, у бағрингга олмос ханжар бўлиб қадалади.
- Сўзнинг тури жуда кўпдир, лекин ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир.
- Оз бўлса ҳам ёлғон бўлса, гарчи миқдори оз бўлса-да, кишини ҳалок қилувчи заҳар билан тенгдир.
- Ҳар кимки эгрилик билан шуҳрат топган бўлса, тўғри йўлда ҳам йўлдан озади.
- Инсон саҳв ва хато қилиши мумкин. Хато ва саҳвни тушуниб тузатган саодатли одамдир.
- Бу дунёда абадий қолиб бўлмайди. Аммо, кишининг яхшилик оти қолса, ғўзал саодатдир.
- Халққа ғамхўр бўлишни мақсад қилиб ол, бу одат билан келажагингни мақтовларга сазовор эт!

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТОРИНИНГ СОВҒАСИ

Самарқанд шаҳрининг келаси йил нишонланадиган 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётир.

Яқинда бу ерда Ўрта Осиёда энг йирик тарих-ўлкашунослик музейи ташкил этишга қарор қилинди. Музей Регистон атрофида бўлади. У 66 минг квадратметр жойни эгаллайди. Музей биноси уч қаватли бўлиб, темир-бетон конструкцияларидан ишланади. Унда ҳаво алмаштириб турадиган махсус аппаратлар ўрнатилади. Қаватдан-қаватга лифт ёрдамида кўтарилади.

Музейнинг жуда катта томоша залидан ташқари алоҳида кино зали ҳам бўлади. Бу ерда Самарқандннинг тарихи, унинг жаҳонга машҳур обидалари ҳақидаги фильмлар намойиш қилинади.

Бинони қуриш учун 2,5 миллион сўм ажратилди.

Бино макетини тошкентлик архитектор ўртоқ Булатов чизиб берган. Бу унинг Самарқанд юбилейига совғасидир.

ГАШНИ АЙЛАНТИРМАНГ

(Йўл устида судья билан тоғаси учрашиб қолади).

СУДЬЯ — Ҳа, тоға, ассаломуалайкўм.

ТОҒА — Ваалайкум ассолом. (Кўришади). Аҳволлар яхшими, жиян?

СУДЬЯ — Раҳмат тоға. Ўзингиз яхши юрибсизми, кеча кечқурун келган эдилар.

(Тоға-жиян четга ўтади).

ТОҒА — Ҳа, сағал дудмалроқ жавоб қилибсан, хафа бўлиб борди. Ўзим бир гаплашай деб йўлингни пойлаб туриб эдим, жиян.

СУДЬЯ — Қайнингизнинг ишини ипидан игнасигача синчиклаб ўқиб чиқдим. Ашаддий безориликлиган. Уни оқлаш жуда қийин масала.

ТОҒА — Безориликка безори, уни биламан, нима қилай? Агар у қамалиб кеттудай бўлса, кеннойинг қулоқ-миямни ейди-да. Қандоқ бўлмасин шунга ёрдам қилиб юборсанг, жиян.

СУДЬЯ — Ҳеч иложи йўқ-да, тоға.

ТОҒА — Лоақал ўзини очиқда қолдириб, ишни терговга қайтарсанг, яна бир ақл топиб қолармиз.

(Судья сукутга кетиб хаёл суради. Чироқ ўчиб ёнади. Судья иш кўраяпти. Ёнида иккита халқ маслаҳатчиси. Бирининг суд мажлиси билан иши йўқ, мудраб ўтирибди. Айбдор қора курсида. Залда даъвогар).

СУДЬЯ — **(Даъвогарга қараб).** Қани бўлган воқеани қисқа қилиб айтиб беринг-чи?

ДАЪВОГАР — Мен чойхоначиман.

СУДЬЯ — Биламиз, чойхоначисиз. Жанжал нимадан чиқди, бизга жанжалнинг негизини гапиринг?

ДАЪВОГАР — Кечаси соат 12 лар эди. Одамлар тарқалиб кетгач, супуриб-сидириб, энди ётай деб турсам **(айбдорни кўрсатиб,** отини билмайман), мана шу қора курсида ўтирган йигит келиб яримта арақ чиқариб, «пиёла бер» деди.

СУДЬЯ — Сиз нима дединг?!

ДАЪВОГАР — Чойхонада ичиш мумкин эмас. Ука, маст экансан, уйингга кет...

АНТЕРМЕДИЯ

СУДЬЯ — **(ўзини бўлиб)** Ана холос, жанжални сиз тутдирибсиз-да. Маст одамни кет деб бўладими. Кўрдингизки маст, акаси-укаси деб, орқа-ўнгини силаб уйига жўнатиб юборсангиз бўлмасмиди? Хўш, кейин нима бўлди?

ДАЪВОГАР—«Пиёла бер ичаман» деди, мен йўқ дедим: ёнидан пичоқ олиб, менга урмоқчи бўлган эди, ўзимни четга олдим. Пичоқни отди. Пичоқ қолиб самоварнинг қорнига санчилди.

СУДЬЯ — Пичоқни самоварга отди денг?

ДАЪВОГАР — Менга отди.

СУДЬЯ — Самоварнинг қорнига санчилди деяпсиз-ку.

ДАЪВОГАР — Менга тегмай самоварнинг қорнига санчилди.

СУДЬЯ — Ҳайрият, ўтиринг! **(Даъвогар ўтирди, судья маслаҳатчиларга қараб)** Масала тушунарли, саволларингиз бўлмаса керак.

1-МАСЛАҲАТЧИ — Ҳа, тушунарли.

2-МАСЛАҲАТЧИ — Менинг саволим бор.

СУДЬЯ—Тушунарли-ку, чўзиб ўлтирмайлик, бугунга тайинланилган бошқа ишлар ҳам бор. **(Айбдорга қараб)** Айбдор Корабоев ўрнингиздан туринг! **(Айбдор ўрнидан туради).** Терговда айтган гапларингизга иқрормисиз?

АЙБДОР — Иқрор эмасман. Нега мен иқрор бўлар эканман.

СУДЬЯ—Демак, айбингизга иқрор эмассиз, шундайми?

АЙБДОР — Айбим бўлса иқрор бўламан-да.

СУДЬЯ — Терговда жиноятингизга иқрор бўлиб қўл қўйибсиз-ку! **(Делони кўрсатиб).** Мана, 12-бетдаги имзо сизникими?

АЙБДОР — Терговчи, қўлингни қўй-қўлингни қўй, деб алдаб қўлимни қўйдириб олди.

СУДЬЯ — Демак, сиз ўзингизни айбдор деб билмайсиз.

АЙБДОР — Йўқ.

СУДЬЯ — Ўтиринг. Суд ҳукм уйига киради.

2-МАСЛАҲАТЧИ — **(Судьяга қараб)** Айбдорга саволим бор эди.

СУДЬЯ — (қулимсираб) Мунча саволга ўчсиз, минг айлантирмайлик барибир шу гап-да. Пичоқни самоварга отган...

Ж. АСОМИДДИНОВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

АКТЕР РЕКОРДИ

Англия актёри Девид Равен ўзига хос рекорд ўрнатди. Мана, ўн йилдирки у ҳар оқшом Агат Кристанинг «Қопқон» пьесасида майор Меткелф ролини ўйнаб келаяпти. Айтгандек, бу спектаклнинг ўзи ҳам рекордчи саналади. Бу асар Лондон театрида ўн беш йилдан буён узлуксиз қўйилиб келиняпти.

ИГНА ЕККАН КУН

1856 йили АҚШнинг Гарродсбург шаҳрида осмондан игналар ёғди. Бу, шу шаҳардаги игналар фабрикасини бўрон учириб кетганидан кейин содир бўлди. Кучли бўрон фабрика омборларидаги миллионлаб игналарни осмонга учириб кетган эди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР!

«Тошкент ҳақиқати»га янги йил учун обуна бўлар экансиз, газета 1968 йилда қандай мазмунда чиқади, бизнинг талабимизни қандай қондиради, деб ўйлайсиз, албатта. Редакция ҳам шу ҳақда ўйлайди. Ҳаммамизнинг мақсад ва фикримиз битта: «Тошкент ҳақиқати» юксак ғоявий, жанговар, қизиқарли, меҳнатдан, ижодда ва ҳаётда энг яхшиси ёрдамчи ва маслаҳатчи бўлсин, дейлик.

Газетхонларнинг истакларини ўрганиш, газета мазмунини, унинг безатилишини янада яхшилаш мақсадида Сиз ҳурматли газетхонлар билан маслаҳатлашаётирмиз. Газета саҳифасида берилаётган ҳар бир хабар ва мақола ҳақида, унинг актуаллиги, ёзилиши, Сизни қанчалик қизиқтириши тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларингизни, истак ва таклифларингизни билдиришингизни илтимос қиламиз.

Ички ва халқаро ҳаёт ҳақида, областимиз экономикаси ва маданияти тўғрисида нималарни ўқишни истайсиз, қандай темалар Сизни қизиқтиради? Шулар ҳақидаги истакларингизни ёзиб юборишингизни сўраймиз.

Хатларингизни кутамиз.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 11.00 — **Кинофильм.** 11.20 — **«Чангчилар Россияда»** (илмий-оммабоп фильм). 11.40 — **Аптекачи айёл** (телефильм). 12.40 — **Рожков ва Минаевлар чалади.**

Узбек тилида: 13.00 — **Кинофильм.** 13.20 — **Угай она** (бадиий фильм). 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

17.00 — **Телеянгиликлар** (рус тилида).

17.15 — **Дарсликларингиз саҳифаларида** (болалар учун). 17.35 — **Шаҳримиз ободонлашсин.** 18.05 — **«Истиқбол эгаларн»** телевизион журнали («Ёшлик» студияси кўрсатади). 18.55 — **«Шу кунниинг созандаларн».** Ғуломжон Ҳожиқулов. 19.40 — **Телеянгиликлар. 19.55 — Эшиттиришлар программаси.**

20.00 дан — **МОСКВА КУРСАТАДИ.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

13.00 дан — **МОСКВА КУРСАТАДИ.**

19.00 — **Грек сиёсий муҳожирлари дўстлик ҳафталигининг очилиши** (Санъат саройидан олиб кўрсатилади).

Узбек тилида: 22.15 — **Санъат усталарининг концерти.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.00 — **Экран — болаларга.** 17.20 — **Телеянгиликлар.** 17.35 — **Линховокн куйлайди** (киноочерк). 17.55 — **Шанба налейдоскопи.** 18.35 — **Эшиттиришлар программаси ва эълонлар.**

Қирғиз тилида: 18.45 — **Телеянгиликлар.** 19.00 — **Ала-Тоунинг 50 кузи.** 20.00 дан — **ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/IX да **Мавлоно Муқимий.** 16/IX да **Гулн сиёҳ,** 17/IX да **Мавлоно Муқимий.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—16/IX да **Аяжонларим,** 17/IX да **Қотия** (кундуз), **Улимдан кучли** (кечқурун).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Шоҳ Султон ҳаққида эртак — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Золтан Карпатининг тақдири — «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «НАВОИЙ номли», «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» тоқ соатларда).

Оқ процесс — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 6, 8, 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Темир ниқоб — «ВАТАН».

Чангда қолган гул — ТЕЛЬМАН номли.

Нафосат — «РАКЕТА».

Золтан Карпатининг тақдири — «ФЕСТИВАЛЬ».

Узбекистон КП Марказий Комитетининг ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий, безанли

„ГУЛИСТОН"

ЖУРНАЛИГА

ОБУНА БОШЛАНДИ.

Обуна нархи:

Бир йилга 3 сўм 60 тийин

Олти ойга 1 сўм 80 тийин

Бир сони 30 тийин.

Обуна ҳамма алоқа бўлимлари, барча жамоатчи вакиллар орқали қабул қилинади.

«Гулистон»га обуна чекланмаган, аммо уяга ҳозирдан ёзилиб қўймаган киши лар армояда қолади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

ишлатилган ҳамда янги оёқ кийимларни, тикувчилик молларини, газламаларни, трикотажларни, гиламларни, музика ва радио молларини, мебелларни, биллурларни, чинниларни ва бошқа маиший хизмат молларини

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ва

тарқатади

Магазинлар қуйидаги жойларда жойлашган: Октябрь, Госпиталь, Олой, Паркент, Марказий ва Беш-ёғоч бозорларида, Навоий кўчасидаги шаҳар ярмаркасида, Т. Шевченко, кўчаси 68 уй ва Апанасенко кўчаси, 5 уй.

Чилонзор массиви «Халқлар дўстлиги» проспектидаги 6 магазинда, Карл Маркс кўчасидаги 1 магазинда ва Қўйлиқ бозоридаги 12 магазинда қўшимча универсаль комиссион магазинлар очилган.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ОВЧИ БЛОКНОТИДАН

ЎНТА ЎРДАК... ЧАККИ ЭМАС

Собир кўзини очганда уфқ оқариб келаётган, майин салқин шабада эсиб турарди. У уйдагиларни безота қилмаслик учун оёқ учида юриб токчадан коча кечаси тайёрлаб қўйган сафар халтасини олди ва оҳиста юриб ҳовлига тушди. Арнидаги сувга юз-кўлини шоша-пиша ювдида, кейин аста Усмон ётган хонанинг деразасини чертди.

— Шошманг, мен ҳозир...

Укаси кийиниб у ёқ, бу ёғини тартибга келтиргунча Собир кўшнисини ой ёғдусида яна бир бор кўздан кечирди. Кейин қайта ғилофга солиб қўйди.

Зум ўтмай Усмон ҳам қармоқ ҳамда сафар жабдукларини тайёрлади. Ака-ука эшикни беркитиб, йўлга тушишди. Бугун ов мавсумининг очилиши. Шунинг учун белгиланган жойга ўз вақтида етиб боролмаса, ҳамкасблар кетиб қолиши мумкин.

Йигитлар бир-бирлари билан келишиб олгандай баравар қадамни тезлаштиришди. Кўчада одамлар сийрак, трамвайлар ҳам ҳали парк дан чиқмаган. Лекин омадни қаранки, улар беш-ўн қадам юрмасданоқ, бўш автобус ўтиб қолди. Шофер уларнинг илтимосини ерда қолдирмади, бир зумда заводгача етказиб қўйди.

— Ҳайрият-е, яна бир соат, ярим соатлардан кейин келардинглар-да, — стартерни босар экан койиган бўлди шофер. Кейин ёнидан сигарет чиқариб тутатди.

— Кетдикми! Ҳеч ким қолмадими! — Шофер ўриндиқларга жойлашиб олган йигитларга юзланди.

— Йўқ, ҳайдавер...

Итоаткор машина бироз нафасини «ростлаб» олгач бир текисда йўргалаб кетди. Ҳамманинг чеҳрасида қаяжон, овчилар дастлабки «ўлжа» куйида. Қани энди машина ҳозир қанот чиқарса-ю, бир зумда Арносойга етказиб қўйса.

Усмон ҳалтадан яхна гўшт, нон олиб тиззасига қўйди. Ҳарқалай ҳозир нонушта қилиб олинмаса, у ерда шошиб қолиш мумкин. Йигитлар таъмадди қилиб олишгунча, машина ҳам белгиланган манзилга етиб келди.

30 минг гектарга бағрини бериб ётган Арносой уйқуни тарк этган. Ҳали баҳор либосини ечмаган қамишзор ва тўқайзорлар миллионларча паррандаларнинг шўх овозларига кўмилган. Ёз бўйи семириб, эт олиб қолган ўрдак, ғоз, лойхўраклар гала-гала бўлиб у ёқдан бу ёққа учиб юришибди. Сойнинг нариги ёғида — тўрт томони сув билан ўралган оролда эса узун тумшуқ, лайлаклар бола очиб ётибди.


Роппа-расо соат 6 да милтиқ овози янгради. Зум ўтмай Арносойни милтиқларнинг қасур-қусури, қушларнинг қий-чуви босиб кетди. Собирнинг қўш ғозни ҳам ишга тушди. У чайласи тепасидан пастлаб учиб ўтган икки ўрдакдан бирини уриб олди. Лекин овчи ҳали «ўлжа»сини саранжомлаб олмасданоқ, яна бир ўрдак қамишзорга келиб қўнди. Лекин ўқи шоқ-шабалар тўсиб тургани сабабли кўриб бўлмас эди. Бироз кутишга тўғри келди. Беш минутлар чамаси ўтди. Ўрдак бу ерни ҳавфхатардан холи сездн шекилли, секин ялангликка сузиб чиқди. Собир тепкини босди...

Шу куни Усмоннинг ҳам ови ўнгидан келди. У гарчанд мерган бўлмасада, балиқ тутишда тенгсиз ҳисобланади. Кун қоралмасданоқ унинг ҳам савати лаққа, танга балиқларга тўлди. Аммо область овчилик ва балиқчилик спорт жамиятининг бош бухгалтери Николай Сотников чиндан ҳам кунининг қаҳрамони бўлди. Тажрибали балиққчи икки соатнинг ичида 32 та чўртоннн қармоққа илинтирса бўладими?!

Тошкент кабель заводи ишчиси Иван Фролов, янгиёўлик овчи Убайдулла Абдураимов ва қатор корхона, қурилишлардан бу ерга келган юзлаб табиат муҳлислари ҳам қуруқ қайтмадилар. Уларнинг ҳар бири 8—9 тадан ўрдак, 4—5 килограммдан балиқ тутиб олдилар.

Чкалов номли Тошкент авиация заводи цех мастери Собир Умаров 10 та ўрдак уриб олган бўлса укаси — 39-қурилиш бошқармасининг механиги Усмон Умаров эса бир сават балиқ билан уйдагиларни хурсанд этди. Елиб югуриш, ҳазжон билан хаш-паш дегунча дам олиш куни ҳам ўтиб кетди. Йигитлар очиқ ҳавода, оромбахш табиат қучоғида маза қилиб парранда овладилар, балиқ тутдилар, мириқиб ҳордиқ чиқардилар.


Я. САЛИМОВ.



Бўрижар соҳилининг кўриниши.
А. Палехов фотоси.

ФОТОКАМЕРА БИЛАН ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР БЎЙЛАБ





Дэвид Чипперфильд (ўнгдаги сурат) эндигина 10 ойлик бўлди. Бироқ у Саутгемптон ҳайвонот боғидаги Жей-Жой одамсимон маймуи боласи билан ҳеч қийналмай «суҳбатлашяпти». Дэвид маймунга сут солинган шишасини узатди.

Эдриан Биггс (чапда) энди 13 ойга тўлди. У ўзи учун ва дўсти Колвин Бэй (Шимолий УЭЛЬС) ҳайвонот боғидаги тўқиз ойлик Тайна лақабли тапира (сут эмизувчи ҳайвон) учун жон куйдириб банан тозаламоқда.

«Дейли Миррор» — АПН фотоси.

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзма китоб фондига жуда бой. «Ихтиёроти бадеъий» («Нафис ҳикматлар») номли асар ҳам нодир китоблардан бири. Мазкур китобнинг муаллифи ўрта аср Шарқининг олими Ҳусайн Ансорийдир.

Китобда турли гиёҳларнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида батафсил изоҳлар берилган. Қуйида шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола киламиз.

Шолғомда ҳоснят кўп. Уни шўрвага солиб истеъмол қилган кишининг иштаҳаси очилади, қуввати ошади. Агар шолғом сирка билан қўшиб истеъмол қилинса ошқозондаги баъзи касалликларни тузатади.

Турпнинг меъда ишини яхшилашдаги роли катта. Турп сувн сочга суркалса соч тўкилмайдиган бўлади.

Сапсаргул манзарали гул сифатида кенг тарқалган. Бу ўсимликдан кўп касалликларни даволашда ҳам фойдаланилган. Чунончи, фалаж, безгак касалликларига чалинган ёки боши оғрийдиган киши унинг гулидан тайёрланган қайнатмани ичса шифо топади.

Гулхайри ёввойи гул сифатида маълум. Унинг барги сувда қайнатиб ичилса қабзият йўқолади. Гулхайри поясидан олинган шира сирка билан аралаштириб юз доғларига суркалса доғлар йўқолади.

Отқулоқнинг шифобахш гиёҳ эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Унинг янги узилган баргини ювиб, баданнинг лат еган жойига қўйса, оғриқ бир зумда қолади.

ЁШЛАР УЧУН ТЕАТР

Тошкентда алоҳида рус ёш томошабинлар театри ташкил этилди. Бу театр илгари Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри билан бирга иш олиб борар эди.

Рус ёш томошабинлар театри Эстрада театри биносига кўчирилади. Ҳозир бу ерда реконструкция ишлари олиб борилаётир.

Театр директорининг ўринбосари В. Окопов ҳозирги коллективнинг келажаги тўғрисида бундай дейди:

— Энди театримиз мустақил иш олиб боради. Ўзининг алоҳида биносига, режиссёрига эга бўлади. Ҳозир артистларни танлаш, улар билан ишлаш, мустақил репертуар яратиш устида изланмоқдамиз. Октябрнинг 50 йиллиги арафасида ёш томошабинларни театримизга таклиф этамиз.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885 831232. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиш маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01229 Индекс — 64697. А. 1747.